# Suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliqqa joriy to‘lovlarni hisoblashda ma’lumotnoma shaklini taqdim etish bo‘yicha qo‘llanma

O‘zbekiston Respublikasi hududida suvdan birlamchi foydalanishni yoki suvni iste’mol qilishni amalga oshiruvchi O‘zbekiston Respublikasining yuridik shaxslari;

faoliyatini O‘zbekiston Respublikasida doimiy muassasalari orqali amalga oshirayotgan O‘zbekiston Respublikasining norezidentlari bo‘lgan yuridik shaxslar;

suvdan tadbirkorlik faoliyati uchun foydalanuvchi yakka tartibdagi tadbirkorlar;

dehqon xo‘jaliklari suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliqni to‘lovchilar hisoblanadi.

Soliq davri mobaynida soliq to‘lovchilar soliq bo‘yicha bo‘nak to‘lovlarni to‘laydi *(qishloq xo‘jaligi korxonalari, O‘zbekiston Respublikasida faoliyatini doimiy muassasalar orqali amalga oshirayotgan O‘zbekiston Respublikasining norezidentlari bo‘lgan yuridik shaxslar, shuningdek dehqon xo‘jaliklari bundan mustasno)*.

Ma’lumotnoma shaklini to‘ldirish va yuborish my.soliq.uz sayti orqali elektron raqamli imzodan foydalangan holda amalga oshiriladi.

Bunda, shaxsiy kabinetga kirgandan so‘ng yuridik shaxslarning hisobotlarini yuborish bo‘limiga o‘tiladi.




Elektron shakllardan Suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq hisoboti shakli tanlanadi.




| Код | Номи |
|---|---|
| 100 | Қўшилган қиймат солиғи ҳисоботлари |
| 101 | Айланмадан олинадиган солиқ |
| 102 | Фойда солиғи ҳисоботлари |
| 103 | Норезидентлардан олинадиган фойда солиғи ҳисоботлари |
| 104 | Мол-мулк солиғи ҳисоботлари |
| 105 | Ер солиғи ҳисоботлари |
| 106 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоботлари |
| 107 | Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоботлари |

Suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq uchun joriy to‘lovlarni hisoblash bo‘yicha ma’lumotnoma shakli 2 turga bo‘lingan:

**1.** Soliq davrida soliq summasi bazaviy hisoblash miqdorining ikki yuz baravaridan ko‘proqni tashkil etadigan yuridik shaxslar tomonidan *(aylanmadan olinadigan soliqni to‘lovchilari bo‘lmagan)* **oylik 10608_6-paket orqali;**

**2.** Soliq davrida soliq summasi bazaviy hisoblash miqdorining ikki yuz baravaridan kamroqni tashkil etadigan yuridik shaxslar, shuningdek, aylanmadan olinadigan soliqni to‘lovchilar hamda yakka tartibdagi tadbirkorlar tomonidan **choraklik 10608_5-paket** orqali taqdim etilishi mumkin.




| Код | Номи | Амал қилиш муддати | Тўхтатилган |
|---|---|---|---|
| 10608_6 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш бўйича маълумотнома (ойлик) | 01 . 01 . 2022 | |
| 10608_5 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш бўйича маълумотнома (чораклик) | 01 . 01 . 2022 | |

Soliq summasi bazaviy hisoblash miqdorining **ikki yuz baravaridan kamroqni** tashkil etgan korxonalar tomonidan **choraklik** shakl tanlanganda**,** ma’lumotnoma quyidagi tartibda to‘ldiriladi.

Ushbu elektron ma’lumotnoma shaklining satrlari 2 xil rangda aks ettirilgan bo‘lib, ko‘k rangdagi satrlar soliq to‘lovchi tomonidan to‘ldiriladi, sariq rangdagi satr esa avtomatik ravishda shakllanadi.

Dastlab soliq to‘lovchi tomonidan ma’lumotnoma detallaridan soliq turi, hisobot turi, yili, davri, suvdan foydalanish yoki suvni iste’mol qilish joyidagi soliq organlari tanlanadi.




Xususan, iqtisodiyotning barcha tarmoqlaridagi korxonalar, shuningdek yakka tartibdagi tadbirkorlar tomonidan foydalanilgan suv hajmining manbalari tanlanadi (4 va 5-ustun) hamda soliq solinadigan suvning taxmin qilinayotgan hajmi to‘g‘risidagi ma’lumotlar kiritiladi.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш бўйича

МАЪЛУМОТНОМА

солиқ даврида солиқ суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз баравaридан камроқни ташкил этадиган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тақдим қилинади

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Солиқ солинадиган сувнинг тахмин қилинаётган жами ҳажми, метр куб | шу жумладан: | | Жорий йилга 1 метр куб учун белгиланган солиқ ставкаси | | Солиқ суммаси | шу жумладан: | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Ер усти манбалари | Ер ости манбалари | Ер усти манбалари | Ер ости манбалари | | Ер усти манбалари (4-устун х 6-устун) | Ер ости манбалари (5-устун х 7-устун) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан фойдаланилган сув | 010 | | | | | | | | |
| Саноат корхоналари учун фойдаланилган сув | 020 | | | | | | | | |
| Электр станциялари томонидан фойдаланилган сув | 030 | | | | | | | | |
| Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан фойдаланилган сув | 040 | | | | | | | | |
| Автотранспорт воситаларини ювиш учун фойдаланиладиган сув | 050 | | | | | | | | |
| Алкоголсиз ичимликлар ҳамда пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув | 060 | | | | | | | | |
| Қишлоқ хўжалик ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланилган сув, шу жумладан: (0701-сатр+0702-сатр) | 070 | | | | x | x | | | |
| сув ўлчаш ускуналарисиз фойдаланилган сув ҳажми, куб.метр | 0701 | | | | | | | | |
| сув ўлчаш ускуналари асосида фойдаланилган сув ҳажми, куб.метр | 0702 | | | | | | | | |
| Умумий суммаси (0801-сатр +.....+0812-сатр) | 080 | | | | x | x | | | |
| I чорак учун 20 мартгача | 0801 | x | x | x | x | x | | | |
| II чорак учун 20 июнгача | 0802 | x | x | x | x | x | | | |
| III чорак учун 20 сентябргача | 0803 | x | x | x | x | x | | | |
| IV чорак учун 20 декабргача | 0804 | x | x | x | x | x | | | |

Soliq solinadigan suvning taxmin qilinayotgan hajmi to‘g‘risidagi ma’lumotlar to‘g‘ri kiritilgandan so‘ng 6-7-ustunlarda avtomat tarzda shakllangan soliq stavkalari asosida hisoblangan soliq summasi yer usti hamda yer osti manbalari bo‘yicha 9 va10-ustunlarda aks etib, jami soliq summasi 8-ustunda avtomatik shakllanadi.

**E’tibor bering,** soliq to‘lovchilar yer usti va yer osti manbalaridan olib foydalanilgan suv resurslari hajmlarining alohida hisobini yuritadi.

Suv resurslarining yer usti va yer osti manbalaridan suv keladigan vodoprovod tarmog‘idagi suvdan foydalanilganda, soliq bazasi manbaning har bir turi bo‘yicha alohida aniqlanadi.

*Misol uchun, Toshkent shahri bo‘yicha kelib tushadigan suvning nisbati 90,2 foizi yer usti hamda 9,8 foizi yer osti manbalaridan olingan.*

Soliq to‘lovchilarga suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliqni hisoblab chiqarishda turli maqsadlarda foydalaniladigan suv resurslari hajmining hisobini alohida-alohida yuritish imkoniyati yaratilganligi bois, sanoat korxonalari, elektr stansiyalari, kommunal xizmat ko‘rsatish korxonalari, avtomoykalar, alkogolsiz ichimliklar hamda pivo va vinodan tashqari alkogol mahsulotlarini ishlab chiqaruvchilar yuqorida keltirilgan tartibda ma’lumotnomani to‘ldiradilar.

Asosiy faoliyati qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetishtirish bo‘lmagan korxonalar tomonidan qishloq xo‘jalik yerlarini sug‘orish va baliqlarni o‘stirish (yetishtirish) uchun foydalanilgan suv hajmi to‘g‘risidagi ma’lumotlar agarda sug‘orish ishlari suv o‘lchash uskunalarisiz amalga oshirilgan bo‘lsa, hisobot shaklining 0701-satri 4-ustunida, suv o‘lchash uskunalari orqali foydalanilganda, hisobot shaklining 0702-satri 4-ustunida ko‘rsatiladi.

Hosil bo‘lgan yillik soliq summasi teng ulushda to‘rtga bo‘linib, 9-10-ustunlarning 0801-0804-satrlarida avtomat tarzda shakllanadi.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш бўйича

МАЪЛУМОТНОМА

солиқ даврида солиқ суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз баравaридан камроқни ташкил этадиган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тақдим қилинади

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Солиқ солинадиган сувнинг тахмин қилинаётган жами ҳажми, метр куб | шу жумладан: | | Жорий йилга 1 метр куб учун белгиланган солиқ ставкаси | | Солиқ суммаси | шу жумладан: | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Ер усти манбалари | Ер ости манбалари | Ер усти манбалари | Ер ости манбалари | | Ер усти манбалари (4-устун х 6-устун) | Ер ости манбалари (5-устун х 7-устун) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан фойдаланилган сув | 010 | | | | 240.00 | 290.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Саноат корхоналари учун фойдаланилган сув | 020 | | | | 520.00 | 620.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Электр станциялари томонидан фойдаланилган сув | 030 | | | | 80.00 | 100.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан фойдаланилган сув | 040 | | | | 80.00 | 100.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Автотранспорт воситаларини ювиш учун фойдаланиладиган сув | 050 | | | | 2,190.00 | 2,190.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Алкоголсиз ичимликлар ҳамда пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув | 060 | | | | 27,700.00 | 27,700.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Қишлоқ хўжалик ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланилган сув, шу жумладан: (0701-сатр+0702-сатр) | 070 | 220.00 | 90.00 | 130.00 | x | x | 7,480.00 | 3,120.00 | 4,360.00 |
| сув ўлчаш ускуналарисиз фойдаланилган сув ҳажми, куб.метр | 0701 | 110.00 | 50.00 | 60.00 | 40.00 | 40.00 | 4,400.00 | 2,000.00 | 2,400.00 |
| сув ўлчаш ускуналари асосида фойдаланилган сув ҳажми, куб.метр | 0702 | 110.00 | 40.00 | 70.00 | 28.00 | 28.00 | 3,080.00 | 1,120.00 | 1,960.00 |
| Умумий суммаси (0801-сатр +.....+0812-сатр) | 080 | 220.00 | 90.00 | 130.00 | x | x | 7,480.00 | 3,120.00 | 4,360.00 |
| I чорак учун 20 мартгача | 0801 | x | x | x | x | x | 1,870.00 | 780.00 | 1,090.00 |
| II чорак учун 20 июнгача | 0802 | x | x | x | x | x | 1,870.00 | 780.00 | 1,090.00 |
| III чорак учун 20 сентябргача | 0803 | x | x | x | x | x | 1,870.00 | 780.00 | 1,090.00 |
| IV чорак учун 20 декабргача | 0804 | x | x | x | x | x | 1,870.00 | 780.00 | 1,090.00 |

Shuningdek, Soliq davrida soliq summasi bazaviy hisoblash miqdorining ikki yuz baravaridan ko‘proqni tashkil etadigan yuridik shaxslar tomonidan **oylik** ***(10608_6-kod)*** hisobot shakli to‘ldirilganda yillik soliq summasi teng ulushda o‘n ikkiga bo‘linib, 9-10-ustunlarning 0801-0812-satrlarida avtomat tarzda shakllanadi hamda tekshirish uchun saqlash yoki jo‘natish tugmasi bosiladi.

**МАЪЛУМОТНОМА**

солиқ даврида солиқ суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан кўпроқни ташкил этадиган юридик шахслар томонидан тақдим қилинади

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Солиқ солинадиган сувнинг тахмин қилинаётган жами ҳажми, метр куб | шу жумладан: | | Жорий йилга 1 метр куб учун белгиланган солиқ ставкаси | | Солиқ суммаси | шу жумладан: | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Ер усти манбалари | Ер ости манбалари | Ер усти манбалари | Ер ости манбалари | | Ер усти манбалари (4-устун х 6-устун) | Ер ости манбалари (5-устун х 7-устун) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан фойдаланилган сув | 010 | | | | 240.00 | 290.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Саноат корхоналари учун фойдаланилган сув | 020 | | | | 520.00 | 620.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Электр станциялари томонидан фойдаланилган сув | 030 | 90.00 | 40.00 | 50.00 | 80.00 | 100.00 | 8,200.00 | 3,200.00 | 5,000.00 |
| Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан фойдаланилган сув | 040 | | | | 80.00 | 100.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Автотранспорт воситаларини ювиш учун фойдаланиладиган сув | 050 | | | | 2,190.00 | 2,190.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Алкоголсиз ичимликлар ҳамда пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув | 060 | | | | 27,700.00 | 27,700.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Қишлоқ хўжалик ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланилган сув, шу жумладан: (0701-сатр+0702-сатр) | 070 | | | | x | x | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| сув ўлчаш ускуна元расиз фойдаланилган сув ҳажми, куб.метр | 0701 | | | | 40.00 | 40.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| сув ўлчаш ускуналари асосида фойдаланилган сув ҳажми, куб.метр | 0702 | | | | 28.00 | 28.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Умумий суммаси (0801-сатр +.....+0812-сатр) | 080 | 90.00 | 40.00 | 50.00 | x | x | 8,200.00 | 3,200.00 | 5,000.00 |
| январь | 0801 | x | x | x | x | x | 683.34 | 266.67 | 416.67 |
| февраль | 0802 | x | x | x | x | x | 683.34 | 266.67 | 416.67 |
| март | 0803 | x | x | x | x | x | 683.34 | 266.67 | 416.67 |
| апрель | 0804 | x | x | x | x | x | 683.34 | 266.67 | 416.67 |
| май | 0805 | x | x | x | x | x | 683.34 | 266.67 | 416.67 |
| июнь | 0806 | x | x | x | x | x | 683.34 | 266.67 | 416.67 |
| июль | 0807 | x | x | x | x | x | 683.34 | 266.67 | 416.67 |
| август | 0808 | x | x | x | x | x | 683.34 | 266.67 | 416.67 |
| сентябрь | 0809 | x | x | x | x | x | 683.34 | 266.67 | 416.67 |
| октябрь | 0810 | x | x | x | x | x | 683.34 | 266.67 | 416.67 |
| ноябрь | 0811 | x | x | x | x | x | 683.34 | 266.67 | 416.67 |
| декабрь | 0812 | x | x | x | x | x | 683.26 | 266.63 | 416.63 |

Bo‘nak to‘lovlar miqdorini hisoblab chiqarish uchun soliq to‘lovchilar joriy soliq davrining 20-yanvarigacha, yangi tashkil etilganlari esa davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan kundan e’tiboran o‘ttiz kundan kechiktirmay, **suvdan foydalanish yoki suvni iste’mol qilish joyidagi soliq organlariga** mo‘ljallanayotgan soliq bazasidan *(foydalaniladigan suv hajmidan)* va belgilangan soliq stavkalaridan kelib chiqqan holda hisoblangan joriy soliq davri uchun soliq summasi to‘g‘risidagi ma’lumotnomani taqdim etadi.

Shu bilan birga, hisoblab chiqarilgan bo‘nak to‘lovlar:

-soliq davrida soliq summasi bazaviy hisoblash miqdorining **ikki yuz baravaridan ko‘proqni** tashkil etadigan yuridik shaxslar tomonidan — **har oyning 20-sanasidan** kechiktirmay yillik soliq summasining **o‘n ikkidan bir qismi** miqdorida;

- soliq davrida soliq summasi bazaviy hisoblash miqdorining **ikki yuz baravaridan kamroqni** tashkil etadigan yuridik shaxslar, shuningdek aylanmadan olinadigan soliqni to‘lovchilar va yakka tartibdagi tadbirkorlar tomonidan — **har chorak uchinchi oyining 20-sanasidan** kechiktirmay yillik soliq summasining **to‘rtdan bir qismi** miqdorida to‘lanadi.